

**“АТ “АЛОҚАБАНК” ТАФТИШ КОМИССИЯСИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ**
(янги таҳрирда)

Тошкент - 2017

- I. Умумий қисм
- II. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми ва ваколати
- III. Тафтиш комиссиянинг таркиби ва аъзоларининг тайинланиши
- IV. Тафтиш комиссиясининг вазифалари
- V. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқи
- VI. Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари мажбуриятлари
- VII. Тафтиш комиссияси мажлислари
- VIII. Тафтиш комиссияси аъзоларининг муддатдан илгари ўз ваколатларини тугатиш ва ҳуқуқларининг кафолатлари
- IX. Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига ҳақ тўлаш

I. УМУМИЙ БЎЛИМ

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлар ҳамда АТ "Алоқабанк" Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, АТ "Алоқабанк" Тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Низом Тафтиш комиссиясининг ваколатини, комиссия аъзоларини тайинлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТИ

2.1 Тафтиш комиссияси банк ва унинг бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар Умумий йиғилишининг, банк Кенгашининг қарорига ёки банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

2.2 Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, банк Устави, акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари ва ушбу Низомга мувофиқ ўз фаолиятини олиб боради.

2.3 Тафтиш комиссиясининг аъзоси, банк молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича, тафтиш ишлари ва бухгалтерлик ҳисоби бўйича етарли малакага эга бўлиши лозим.

2.4 Банк тафтиш комиссиясининг талабига биноан банк Бошқаруви молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯНИING ТАРКИБИ ВА АЪЗОЛАРИНИING ТАЙИНЛАНИШИ

3.1 Тафтиш комиссияси таркиби уч кишидан иборат бўлиши керак. Тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади. Айти бир шахстафтиш комиссияси таркибига (тафтишчи бўлиб)кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.2 Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган банк акциядорлари (акциядори) банкнинг молия йили тугагандан кейин узоғи билан 45 кун ичида, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига банк Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатишга ҳақли.

3.3 Тафтиш комиссияси аъзолари, банк Кенгаши аъзоси, банк Бошқаруви ва бош ҳисобчиси бўлиши мумкин эмас.

3.4 Тафтиш комиссияси аъзолигига номзод, унга энг кўп акциядорлар овоз берган ҳолда сайланган ҳисобланади.

3.5 Тафтиш комиссиясига сайланган аъзолар таркибидан бутун муддат даврига Раис ва котиб овоз бериш йўли билан сайланади.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ВАЗИФАЛАРИ

4.1 Тафтиш комиссияси акциядорлар Умумий йиғилиши, банк Кенгаши ёки

беш фоиз акция овозига эга бўлган акциядор ёки акциядорлар гуруҳи ташаббусига биноан, банкнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш, йиллик ёки бошқа давр фаолияти натижаларини ўрганиш ишларини олиб боради.

4.2 Ўз вазифаларини бажариш жараёнида Тафтиш комиссияси қуйидаги ишларни олиб боради:

а) банкнинг молиявий-хўжалик ҳужжатларини текшириш, мулкни инвентаризация қилиш бўйича комиссия хулосаларини текшириш, бирламчи бухгалтерлик ҳисоби бўйича тақдим этилган ҳужжатларни таққослаш;

б) банк номидан тузилган шартномаларининг ҳақиқийлигини текшириш, иш доирасидаги шериклари билан ўзаро ҳисоб-китобларини текшириш;

в) бухгалтерлик ва статистик ҳисоб-китобларни олиб борилиши, уларнинг меъёрий актларга мувофиқлигини текшириб бориш;

г) молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятларининг белгиланган меъёрларга ва қоидаларга мос келишини текшириш;

д) банкнинг молиявий ҳолатини, активларнинг ликвидлигини, ўз ва қарз маблағларининг нисбатини, банкнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш бўйича захираларни таҳлилқилиш, банк Бошқарув учун тавсияномалар ишлаб чиқиш. Даромад ва харажатлар ҳисобрақамларининг тўғрилигини ва уларнинг тақсимланишини анализ қилиш;

е) банк балансларини, солиқ инспекциялари, статистик органлар, Марказий банк учун ҳисобот ҳужжатларини тўғри тузилганлигини текшириб бориш;

ё) банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг банк Устави, банк Кенгаши ва Бошқаруви тўғрисидаги низомларга ва банк акциядорлари Умумий йиғилиши қарорига мувофиқлигини текшириш;

ж) бюджетга тўловлар, дивидендлар, фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар сўндирилишининг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш

з) банк мулки ва кассасининг мавжудлигини текшириш;

и) банк раҳбар органларига тақдим этилган аризаларни текшириш ва улар билан иш олиб бориш;

к) банк акциядорлари Умумий йиғилишлари қарорини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан тафовут қилган тақдирда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

4.3 Тафтиш комиссияси томонидан режадаги текширувлар йилда бир марта олиб борилади.

4.4 Текширув тўғрисидаги топшириқнинг шартлари ва мазмуни ушбу Низомга ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид келмаслиги керак.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚИ

5.1. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) банк Бошқаруви ва банкнинг бошқа мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси талаб қилган, унинг иши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўровидан кейин уч кун мобайнида тақдим этилади;

б) ишлаб чиқариш хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланиши ёки банк манфаатларига зарар келтирилиши банк мазкур бошқарув органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолларда ваколатли шахслардан банк Бошқаруви,

Кенгаш мажлисларини, акциядорлар Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

в) Тафтиш комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича банк ходимларидан, шу жумладан мансабдор шахслардан шахсий тушунтиришларни талаб қилиш;

г) банк Кенгаши билан келишилган ҳолда банк лавозим штатларида турмайдиган мутахассисларни шартнома асосида ўз ишига жалб қилиши;

д) банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан қабул қилинган банк ички меъёрий ҳужжатлар талаблари бузулган тақдирда, банк ходимлари, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Текширишларни ўтказиш вақтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзусига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдирлар. Нотўғри хулосалар учун Тафтиш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз вазифаларини бажаришни тўхтатса, бу ҳақда у банк Кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бу ҳолатда акциядорлар Умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради ёки банк Кенгаши қарори билан вақтинча бошқа мутахассисни тайинланиши мумкин.

6.3 Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

а) банк акциядорларининг Умумий йиғилиши, банк Кенгаши, Бошқаруви эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини банк Бошқаруви органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

б) тижорат ва банк сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари вақтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

в) банк манфаатларига ҳақиқатда зарар келтириши мумкин бўлган хавф пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суиистеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.

6.4 Тафтиш комиссияси банк Кенгашига акциядорларнинг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишига кўпи билан 10 кун қолганда молия ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисоботлар ва баланслар бўйича хулоса тақдим этади.

6.5 Банкнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) ҳисоботлар ва банк бошқа молия ҳужжатларининг тўғрилигига баҳо бериш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш вақтида қонунни бузиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

6.6 Тафтиш комиссияси банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига

риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

6.7 Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни банк оддий акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки банк Кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказади.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСЛАРИ

7.1 Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилиш қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда Тафтиш комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

7.2 Тафтиш комиссияси аъзоларининг камида 50 фоизи иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади.

7.3 Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

7.4 Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни банк Бошқаруви, Кенгаши ва акциядорлар Умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

7.5 Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди. Тафтиш комиссияси раиси – мажлисларни чақиради ва ўтказади, Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади, банк Бошқаруви, Кенгаши мажлисларида, акциядорлар Умумий йиғилишида унинг номидан вакил бўлади, комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

7.6 Тафтиш комиссияси котиби – комиссия мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади, Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли манзилларга етказади, комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

VIII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ МУДДАТДАН ИЛГАРИ ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

8.1 Тафтиш комиссияси таркибининг ёки унинг аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари акциядорлар Умумий йиғилиш қарорига биноан тугатилиши мумкин. Бунда қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

а) Тафтиш комиссиясининг йўқлиги ёки унинг икки ёки ундан ортиқ режадаги мажлислар ишида қатнашмаганлиги;

б) Комиссия аъзосининг систематик тарзда текширувлари муддатларининг ва текширув ўтказиш тартибининг бузилиши, уларнинг малакаси етарли эмаслиги, вазифа мажбуриятларининг бажаришда совуққонлик ва эътиборсиз бўлган ҳолларда;

в) Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан банкни ёмон ҳолатларга олиб келадиган ҳаракатлар қилганда;

8.2 Тафтиш комиссияси аъзолари, Бошқарув таркибига банк Кенгаши таркибига, тугатилиш комиссияси таркибига кирган вақтда ёки банкнинг бош бухгалтери этиб тайинланган ҳолларда уларнинг ваколатлари автоматик

тарзда тўхтатилади.

8.3 Банкнинг мансабдор шахслари Тафтиш комиссияси фаолиятига ёрдам кўрсатишлари керак, ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришда, иш вақтида комиссия аъзоларига халал бермасликлари керак.

IX. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

9.1. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тайинланган Тафтиш комиссияси Раиси ва аъзоларига ҳақ, банк Кенгаши қарорига асосан ҳар чорақда бир марта ишлаган даври учун қуйидаги миқдорда тўланади:

а) Тафтиш комиссияси Раисига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳаққининг 10 (ўн) баробари миқдорида;

б) Тафтиш комиссияси аъзоларига (ҳар бирига) Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳаққининг 8 (саккиз) баробари миқдорида.

9.2. Тафтиш комиссияси Раиси ва аъзоларига тўланган ҳақ миқдори бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига маълумот киритилади.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджидаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев